



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 140 (11.201) Баҳоси эркин нарҳда

**МАМЛАКАТИМИЗДА**

- Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди ҳамда мазкур фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Қўқон филиали ҳамкорлигида Қўқон шаҳрида «Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашнинг мустақил ва демократик тизими — жамиятни демократик янгилашда уларнинг роли ва аҳамиятини кучайтиришнинг муҳим кафолати» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.
- Жорий йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистонда 170 мингга яқин ишчи ўринлари яратилди. Жумладан, кичик ва хусусий бизнес ҳамда яққа тадбиркорлар томонидан 97,9 мингта ишчи ўрни ташкил этилган бўлса, 67,4 минг ишчи ўрни хизмат кўрсатиш соҳасига тааллуқлидир.
- Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида Ғузор туманида самарали ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, яқинда Гулистон фуқаролар йиғини ҳудудида Қизил Ярим Ой жамияти туман бўлими ташаббуси билан кам таъминланган оила фарзандларидан 15 нафарининг суннат тўйлари ўтказилди. Ушбу тадбирнинг ташкил этилишига «Шўртангазим» мажмуаси, «Шўртаннефтгаз» унитар Ҳисоролди нефтгаз қидирув шўъба корхоналари меҳнат жамоалари ва бир гуруҳ тадбиркорлар ҳомийлик қилдилар.
- Фарғонада Ўзбекистон-Швейцария ҳамкорлигида «Касбий кўникмаларни ривожлантириш» лойиҳаси доирасида коллежларда янги йўналишдаги касб-ҳунар ўргатишга киришилди. «Автоматлаштирилган тизимларни таъмирлаш, созлаш ва техник хизмат кўрсатиш» йўналишида тахсил олган ёшлар мамлакатимиз ишлаб чиқариш тармоқларига кириб келган энг замонавий асбоб-ускуналар иш фаолиятини назорат қилиб боради.
- Тошкент вилоятининг Пискент туманидаги Марказий Осиёда ягона «Южний» полигонда автомобиль ҳалқали пойғалари бўйича республика очик чемпионатининг биринчи босқичи ҳамда Ўзбекистон Миллий автомобиль федерацияси кубоги учун мусобақа ўтказилди.
- Шўрчи туманидаги «Агрофрут» фирмаси бўш ётган иморатни тасарруфига олиб, хориждан келтирилган мева-сабзавотни қуриштириш ва қайта ишлаш технологиясини ўрнатди. Натижада 60 та янги иш ўрни очилди.
- Самарқанд вилоятидаги олий ўқув юрталарининг 20 та меҳнат отрядлари қурилиш ва ободонлаштириш ишлари давом этаётган объектларга йўл олдилар. Илғор ёшларнинг меҳнат самарадорлигини ошириш ва рағбатлантириш мақсадида «Энг яхши меҳнат гуруҳи» ва «Меҳнат гуруҳининг энг фаол катнашчиси» танловлари эълон қилинди.

**ЖАҲОНДА**

- Грузиянинг мамлакат ҳаво чегараларининг Россия ҳарбий ҳаво кучларига қаршли самолёт томонидан бузилиши бўйича мурожаат қўра БМТ Хавфсизлик Кенгашининг навбатдан ташқари ўтказилган йиғилишида ягона тўхтама қелинмади.
- Кеча ҳарбий жиноятларда айбланаётган Босния сербларининг етакчиси Р.Караджич ушланиб, Белградга келтирилди.
- Кеча АҚШ ҳарбий ҳаво кучларига қаршли В-52 бомбардимончи самолётнинг ҳалокатга учраши натижасида олти нафар экипаж аъзосининг икки нафари ҳаётдан кўз юмди.
- Хитойда кучли сув тошқинига сабаб бўлган «Кальмеги» тўфони 20 га яқин одамни ҳаётдан олиб кетди. Табиий офат оқибатида ўндан зиёд киши бедарак йўқолди. Хабарларга қараганда, кучли сув тошқинидан айниқса, Тайнань, Гаосюн, Фуцзянь ва Чжецзянь туманлари катта зарар кўрган.
- «The Forbes» журнали дунё мамлакатларидаги энг қиммат харидлар амалга ошириладиган кўчалар рўйхатини эълон қилди. Рўйхатга кўра, Нью-Йоркдаги Бешинчи Аvenues (Fifth Avenue) дунёнинг энг қимматбахо хариддоригр кўчаси, деяр қайд этилди. Маълумотларга қараганда, бу ерда бир квадрат метр жой учун йилига 15 минг доллар ижара пули тўланади. Кейинги ўринларни Гонконгдаги «Causeway Bay», Париждаги «Avenue des Champs-Élysées», Лондондаги «New Bond Street», Токиодаги «Ginza District» савдо кўчалари банд этди.
- Перуда 5,5 минг йил муқаддам бунёд этилган сарой топилди. Маълумотларга қараганда, Сечан Бахо археология мажмуасида топилган ушбу сарой мамлакатдаги энг қадимий иншоотдир. Унинг узунлиги 180 метрни, эни эса 120 метрни ташкил этади. Мазкур бебаҳо топилма сайёрамизда минг йиллар аввал ҳам ривожланган цивилизация мавжуд бўлганидан дарак беради.
- Германиядаги тугруқхоналардан бирида терсининг ранги икки хил бўлган эгизаклар дунёга келди.
- Бошқирдистонда сув бўйида дам олаётган кишиларни яқин уриши натижасида уларнинг уч нафари ҳаётдан кўз юмди, олти нафари эса жароҳатланиб, касалхоналарга ётқизилди.
- Германиянинг «Чорен индустриал» компанияси қишлоқ хўжалиги чиқиндилари — ўсимликлар пояси ва похолдан автомобиль учун табиий ёнилғи ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, бундан аввал ёнилғи тайёрлашда бугдой, картошка ва лавлагидан фойдаланилган. Маълумотларга қараганда, «Чорен индустриал» йилига ўн беш минг тонна табиий ёнилғи ишлаб чиқариш қувватига эга.


**17 йил МУСТАҚИЛЛИК**

*Истиқлол — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир*



**Йил Сайин Ҳз Кўркини Очиб, Пойтахтимиз Туманлари Орасида Яшнаб Ва Яшариб Бораётган Мирободнинг 123.900 Нафар Аҳолиси, Яъни Кексаю Ёш Қалбларга Олам-Олам Фахрланиш Туйғусини Солиб Яқинлашиб Келаётган Истиқлол Байрамини Ёруф Юз Билан Кутиб Олиш Тараддудида Яшамокда, Меҳнат Қилмоқда, Мустақилликни Мустаҳкамлашга Муносиб Ҳисса Қўшиш Йўлида Имкониятлардан Оқилона Фойдаланишмоқда.**

**МИРОБОД ТУМАНИ: ЯРАТИШ ВА ЯШНАТИШ ЙЎЛИДА**



Туманда айни кунларда бунёдкорлик ишлари кўлами янада ортиб, Мустақиллик иншоотларини вақтида фойдаланишга топшириш учун ишлар қизғин паллага кирган. Тошкент Темирийўл касб-ҳунар коллежи, Темирийўл академик лицейининг замонавий бинолари қад ростламоқда, Тошкент Ҳарбий академия лицейи, темирийўл кўприклари қайта реконструкция қилинмоқда, Шевченко кўчасидаги турар жой бинолари у ерда яшовчи хонадон аҳлиларини хурсанд этмишга шайланмоқда, кўчалар, маҳаллалар, кўп қаватли турар жой бинолари ободончилиги катта эътибор қаратилган.

Жорий йилнинг ўтган ярмида иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсишини кузатиш мумкин. Йирик ва ўрта саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажмлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бирмунча ўсди. Туманда ярим йил давомида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 138938,7 миллион сўмини ташкил этиб, 138,4 фоизга ўсди. Халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига солиштирилганда 141,3 фоизга ўсиб 38077,5 миллион сўмга етди. Ярм йилда чакана савдо айланмаси 182 116,4 миллион (ўсиш 193,4 фоиз) сўмини ташкил этди. Пуллик хизматлар 70 337,4 миллион сўм, маиший хизмат эса 3869 миллион сўмга етди. Шунингдек, ташқи савдо айланмасида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 120 фоиз ўсиш кузатилиб, 530.400,3 миллион сўм микдорига бўлса, шундан экспорт 227590,9, импорт эса 302809,4 миллион сўмини ташкил этди. Шу ўринда туман иқтисодиёти ривожига ўз хиссаларини қўшаётган «Ўзэлектроаппарат-Электротраст» қўша корхонаси очик акциядорлик жамияти, «Ўзтемирийўлмаштаъмир» унитар корхонаси, «Фотон» акциядорлик жамияти, «Шарқэнерготёммир» қўша корхонаси, «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси сингари йирик корхоналарни ва

шунинг баробарида ўз бизнесини муваффақиятли олиб бораётган «Сабателли универсал бизнес» хусусий корхонаси, «Транстех-сервис», «Тосол» масъулияти чекланган жамияти сингари кичик корхоналарни алоҳида таъкидлаш лозим.

Шуни айтиш керакки, ўтган ярим йилликда режадаги 3300 та ўрнига 5376 та янги ишчи ўринлари яратилди. Касаначиликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилиб, 669 та касаначилик иш ўрни очишга эришилди ва шу жумладан йирик саноат корхоналарида 144 та касаначи фаолияти йўлга қўйилиб, Президентимизнинг бу борадаги Фармони ижросини таъминлашга ҳисса қўшилди.

Туманда коммунал соҳадаги илохотларни амалга оширишга изчил ёндашилмоқда. 1991 йилгача қурилган турар-жой биноларини капитал таъмирлаш, кўп қаватли турар жойларда инвентаризация ўтказиш асосида томларни капитал ва жорий таъмирлаш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини зарур моддий-техника ва ускуналар билан таъминлаш, кузги-қишки тадбирлар режасини вақтида бажариш, худудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар аҳоли кайфиятида, уйлар ободлигида яққол кўзга ташланимоқда.

Жорий йилда 60 та кўп қаватли турар жойларнинг фасад қисмларини жорий таъмирлаш режаланган бўлиб, ўтган даврда 43 та уйда бу иш амалга оширилди. 4 та турар жойларнинг фасад қисмлари гранит билан қопланмоқда. Турар жойлардаги йўлакларни таъмирлаш, йўл ва йўлакларга асфальт ётқишиш, мавзе ва дахалардаги ташқи ёритиш мосламаларини тиклаш, болалар майдончаларини таъмирлаш ва бошқа юмушлар қизғин давом этмоқда. Баҳорда туман худудига 12

минг тупга яқин турли дарахт ниҳоллари ва 300 мингдан зиёд гул кўчатлари ўтказилган бўлиб, улар кўчаю маҳаллалар файзига файз қўшмоқда.

Ёшлар йилида ободонлаштириш ишларида йигит-қизларнинг фаолиги янада ошиб туман худудларида «Ёшлар боғ»лари ташкил этилмоқда. «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши доимий эътиборда. Ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни назарда тутган ҳолда «Кўйлик-1» ва «Кўйлик-4» мавзела-рида 80 хонадонга мўлжалланган 3 та 4 қаватли замонавий турар жой бинолари қад ростламоқда.

Албатта, ободлик кўнглидан бошланади. Шу боис ҳам маҳаллалар аҳли Мустақилликни ўз худудларини обод этиб кутиб олиш ниятида хашарлар уюштирмоқда. Мустақилликнинг буюк нёмаът эканлиги уюштирилаётган байрамолди тадбирларида яққол кўзга ташланимоқда. Шунинг баробарида туман аҳли келгуси йилда нишонланадиган яна бир кутлуг айём — жонажон Тошкентимизнинг 2200 йиллигига ҳам қизгин хозирликни бошлаб юборишнинг. Шу сўз билан айтидиган бўлсак, туманда амалга оширилаётган барча ишлар аҳоли фаровонлигига, эл-юрт равнақига салмоқли ҳисса қўшишга қаратилган. Мирободликлар ўз ютуқ ва муваффақиятларини Энг азиз, энг улуг байрамга тўхфа этишар экан, дилларда эзгу ниятлар билан уни қарши олишарди.

(Миробод туманига оид материалларни газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз)

Дўрмон қароргоҳида Кувайт Давлати Амирини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ислон Каримов ва шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ шохсулага кутарилидилар. Ўзбекистон ва Кувайт давлат мадҳиялари янгради. Икки мамлакат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдида ўтилди.

Ислон Каримов ва шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳнинг ақлама-яққа суҳбатида Ўзбекистон-Кувайт муносабатларига доир масалалар, томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Ислон Каримов меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, Кувайт Ўзбекистоннинг Форс кўрφαзи минтақасидаги энг яқин ва ишончли шерикларидан бири эканини қайд этди. Ушбу ташриф 2004 йилда бўлиб ўтган ал-Кувайт саммитининг мантйқий давоми эканини таъкидлаб, бу галги музокаралар икки томонлама ҳамкорлик кўламинин янада ошириб, янги мазмун билан бойитишига қатъий ишонч билдирди.

**ЎЗБЕКИСТОН-КУВАЙТ: ХАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ**

**КУВАЙТ ДАВЛАТИ АМИРИ ШАЙХ САБОҲ АЛ-АҲМАД АЛ-ЖОБИР АС-САБОҲ 21 ИЮЛЬ КУНИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗГА КЕЛДИ. ТОШКЕНТ АЭРОПОРТИДА ОЛИЙ МАРТАБАЛИ МЕҲМОННИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ КУТИБ ОЛДИ.**

Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ Ўзбекистонга тақлиф этгани учун Ислон Каримовга самимий миннатдорлик билдириб, ушбу ташриф икки томонлама муносабатларга оид барча долзарб масалалар, ҳамкорликнинг хозирги босқичи ва истиқболлари юзасидан кенг фикр алмашши учун яқши имконият яратишини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Кувайт халқлари ўртасида маънавий яқинлик бор. Хусусан, Кувайтда Мовароуннаҳрнинг ислон цивилизацияси, жаҳон илми ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк алломаларига катта ҳурмат-эҳтиром билан қаралади. ISECO томонидан Тошкент 2007 йилда ислон маданияти пойтахти деб эълон қилинган халқимизни қанчалик қувонтирган бўлса, Кувайт жамоатчилиги ҳам бу хабарни шунчалик катта ҳушнудлик билан кутиб олди.

2004 йилда Президент Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тарқиқёт кафолатлари», 2006 йилда эса «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайд» асарлари Кувайтда араб тилида нашр этилди. Бу Ўзбекистон ва Кувайт сиёсат соҳасида, хусусан, халқаро ва минтақавий микёсда тинчлик ва барқарорликка хавф солувчи турли таҳдидларга қарши курашда жиғилли ва ҳамкорлик зарурлиги борасида ҳамфикр эканидан ёркин далолатдир. Бу ҳамфикрлик икки мамлакатнинг терроризм ва экстремизмга, наркотик моддалар ва қурол-ярроқ контрабандасига қарши курашишда, Афғонистондаги тиклаш ишларида ҳамжихат ҳаракат қилишга интилишида ҳам намоён бўлмоқда. Ўзбекистон билан Кувайт ўртасида терроризм, наркотик воситалар контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликка оид битим амал қилмоқда. Кувайт Трансафғон йўли лойиҳасига ҳам катта қизиқиш билан қарайди.

Мамлакатларимизнинг экология соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш ҳам жуда долзарб масала. Кувайт сувдан тежамли фойдаланиш борасида катта тажрибига эга. Бу йўналишдаги алоқаларни янада ривожлантириш нафақат сув хўжалиги, балки қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳалари, шаҳар инфратузилмалари учун ҳам фойдалидир. ҳамкорлик ҳақида гап кетганда масала ўз-ўзидан энергетика соҳасига бориб тақалади. Ўзбекистон ва Кувайт ҳамкорлигида энергия тежашнинг янги технологияларини ишлаб чиқиши ва биргаликда фойдаланиши мумкин. Мамлакатларимиз энергия манбаларининг бой захираларига эгаллиги эса нефть ва газ конларини топиш ҳамда ўзлаштириш борасида ҳамкорлик учун катта имкониятдир.

Ўзбекистон билан Кувайт ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий соҳаларда ҳамкорлик, сармояларни ўзаро раббатлантириш ва химоялаш, икки томонлама солиқдан қочишга оид ҳужжатлар имзоланган. Бундай ҳуқуқий асос ўзаро алоқаларни даярли барча йўналишларда ривожлантириш учун яқши имкониятлар очмоқда. Транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорлик ўзаро савдо кўламинин янада ошириш, ишбилармонларнинг бевосита ҳамкорлигини фаоллаштириш, учинчи давлатлар билан шериклик алоқаларини ривожлантириш имконини беради. Масалан, Трансафғон йўлининг бар-по этилиши йўл ўтадиган жойларда ривожланган, кўп тармоқли инфратузилма юзага келишини, Афғонистон аҳолисининг иш билан банд бўлишини, ушбу мамлакатнинг минтақавий интеграция жараёнига қўшилишини таъминлайди. Шу билан бирга, бу йўл Ўзбекистон билан Кувайтни бир-бирига яқинлаштиради. Бу эса Марказий Осиё ва Форс кўрφαзи давлатлари ўртасида улкан интеграция макони вужудга келади демакдир.

(Давоми 2-бетда).

**Касба сатрларда**

- **БУГУН** Миробод туманидаги Гафур Гулом номи маданият уйи қишидаги Уй ҳамшираси курсининг битирувчиларига дипломлар топширилди.
- **ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛАРИ**» акциядорлик компанияси

қошидаги корхоналарда пластик қурувлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

- **ШАЙХОНТОХУР** туманида касаначилик билан шуғулланаётган аёллар сонин тобора ортиб бормоқда. «Шарқ гули» корхонасида уюштирилган йиғилишда хозиргача бу ерда 30 нафардан зиёд хотин-қизлар касаначилик билан шуғулланаётгани таъкидлаб ўтилди.
- **ЎРОЛ** Тансиқбоев уй-музейида санъат илосмандлари эътиборига ёш пианиночи Ёдгора Меҳмонованнинг концерт дастури ҳавола этилди.
- **ЎЗБЕКИСТОН** Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида партия фаоллари, ёшлар иштирокида уюштирилган анжуман «Миллий

ғоя ва маънавий юксалиш: тамойиллар ва вазифалар» деб номланди.

- **АЛИШЕР** Навоий номидаги академик Катта опера ва балет театри қошидаги «Сабо» ансамбли аъзолари Хиндистон Республикасида гастроль сафарига жўнаб кетишди.

- **«АЛОҚАЧИ»**, «Машъал», «Болажон» ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида тарбияланувчилар, тарбиячилар иштирокида ўтказилган тадбирлар ва концерт дастурлари «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгашининг «Езни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида уюштирилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан).

МИРОБОД ТУМАНИ:

ЯРАТИШ ВА ЯШНАТИШ ЙЎЛИДА

БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗ ТЕМИРЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОХОТЛАР ҚИЗГИН ПАЛЛАГА КИРДИ. БЕЖИЗГА ТЕМИР ЙЎЛЛАРНИ МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ҚОН ТОМИРИ, ДЕЯ ТАЪРИФ БЕРИЛМАЙДИ. ТЕМИР ЙЎЛЛАРДА ПОЕЗДЛАР ҲАРАКАТИ ТЕЗЛИГИ ВА ТАШИЛАЁТГАН ЮК ҲАЖМИНИ ОШИРИШГА ЭРИШИЛМОҚДА.



Иқтисодиёт

МУКОСИБ ҲИССА ҚЎШИШМОҚДА



Бу борадаги ислохотларни амалга оширишда туманда жойлашган «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли «O'ZTEMIROYOLMASHTA'MIR» унитар корхонасининг ҳам муносиб ҳиссаси бўлиб, жамoa аҳли замонавий ишлаб чиқариш амалиёти-ни ўзлаштирган ҳолда тармоқнинг энг оғир бўғини — тортиш техникаларининг сифатли таъмирини таъминлашга муваффақ бўлмоқда.



нинг ҳам буортмалари бажарилиб, 3 та тепловоз секцияси капитал таъмирдан чиқарилди.

Маҳаллийлаштириш дастури режасига кўра 4 та тепловоз секцияси, 56 та ярим вагонлар тикланди. 19.390 та локомотив тормоз колодкалари ва 67500 та вагон тормоз колодкаларини тайёрлашга эришилди. Аҳолига 33,6 миллион сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди. Шунингдек, импорт ўринни босувчи эштиёт қисмлар тайёрлашга эштибор қаратилган ва улардан таъмирлаш ишларида кенг фойдаланилмоқда.

Корхонада кадрлар малакасини оширишга эштибор қаратилиб, жорий йилнинг олти ойида 209 нафар киши ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда малака оширишди. Таъкидлаш лозимки, ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси яхши йўлга қўйилган, 2 та ошхона, тиббиёт пункти улар хизматига. Улар учун санаторий ва профилакторийларга имтиёзли йўлланмалар ажратилди. Ходимларнинг фарзандлари эса ёзги таътил даврида корхонанинг Бўстониликдаги «Бурчмайл» болалар оромгоҳида мириқиб дам олишади.

Ақинлашиб келаётган Мустақиллигимизнинг 17 йиллигини ўзига хос меҳнат ютуқлари билан қутиб олишга интилаётган жамоада албатта бундай ютуқларга эришишда илганиш, интилиш, илгор техника ва технологиялардан самарали фойдаланишнинг аҳамияти катта. Шу боис ҳам ярим йил давомида корхонага 317,4 миллион сўмлик 140 донга технологик жиҳозлар киритилди. 113 донга технологик ускуналар капитал ва жорий таъмирдан чиқарилди. Бунинг учун 147,1 миллион сўм сарфланди. Бугунги кунга келиб корхонада ўртача ойлик иш ҳақи 374,8 минг сўмни ташкил этмоқда ва у ўз вақтида тўлаб боришмоқда.

Корхона тadbиркорларининг келгусидаги эзгу мақсадлари ютуқларни мустаҳкамлаб, қўшни давлатлардан буортмалар қабул қилиб экспорт ҳажмини ошириш, темир йўллар ривожига муносиб ҳисса қўшишда ўз салоҳиятини намоён этиш, Истиқлол неъматларидан баҳраманд бўлишдир.

СУРАТЛАРДА: корхона цехларидаги қизгин иш жараёнлари

ЁШЛАР БОҒ ЯРАТИШМОҚДА

МИРОБОДА ОЛОВҚАЛБ ЁШЛАР КЎП. УЛАРНИНГ БАРЧАСИ МУСТАҚИЛ ЮРТИМИЗНИНГ ЭРТАНГИ КУНИ ЯРАТУВЧИЛАРИ БЎЛГАН СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ АВЛОДДИР.

Ана шу ёшлар бугун ўз қуч-қудратлари, билим ва иқтидорларини намойиш этишмоқда. Уқий, меҳнат қилиш баробарида ўз худудлари ободлигига катта эштибор қаратишмоқда, қўнат экиб, боғ яратишмоқда.

— Тошкент шаҳар ҳокимининг 2008 йил 7 июндаги «Тошкент шаҳри худудиди санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ва кўкмамарлаштиришда ёшлар фаоллигини ошириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга туманимиз ёшлари ҳам муносиб ҳисса қўшишга бел боғлашди, — дейди «Камолот» ЕИХ Миробод туман бўлими кенгаши раиси Жамшид Низомов. — Ҳозирги кунда туманининг «Кўйлик» даҳаси худудиде жойлашган кўп қаватли уйлардан иборат маҳаллаларда «Ёшлар боғи» ташкил этилиб, уларни яратишда, парваришда ва обод этишда мактаб, лицей, коллежлар ўқувчилари, олий ўқув юртли талабалари фаоллик кўрсатишмоқда. Тез кунларда боғдаги дарахт ва гул қўчалари барқ уриб яшнайди. Бир-бирларига эргашаётган ва қўлаб-қуватлаётган Миробод ёшлари бундай боғларни туманининг барча худудларида яратишни ният қилишмоқда.

— Ҳозирда 15 та «Ёшлар боғи» барпо этилиб, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Озода Паррибоева, — ҳар бир яратилган боғ гуруҳларининг ўз номлари бор. «Ёшлар боғи» яратувчилари 1900 нафар ўқувчи ва 155 нафар педагогдан ташкил топган. Шунингдек, улар ўртасида танлов ҳам эълон қилинган ва ғолиблар муносиб тақдирланяшди.

Шу ўринда яна бир нарсани кўрсатиб ўтиш лозимки, ёзги таътил даврида «Бунёдкор» талабалар меҳнат отрядлари ташкил этилган бўлиб, улар ўз ўқув даргоҳларида, турар жойларида қурилиш-таъмирлаш ишларида фаоллик кўрсатишмоқда. Жумладан, Тошкент Фармацевтика институтининг «Бунёдкор» меҳнат отряди аъзолари институт қошидаги академик лицей худудиде таъмирлаш ишлари билан банд бўлса, Тошкент Темир йўллари муҳандислари институтида ташкил топган «Бунёдкор ёш темирйўлчи» талабалар меҳнат отряди янги қад ростлаётган Темирйўл касб-хунар коллежи қурилишида фаоллик кўрсатишмоқда.

Бир сўз билан айтганда, туман ёшлари «Камолот»чилар сафига бйрилган ҳолда билим ва иқтидорлари, маҳорат ва салоҳиятларини намоён этишмоқда.

Туман хотин-қизлар кўмитасида ҳам аҳолининг асосий қисмини ташкил этган хотин-қизларнинг иқтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани мустаҳкамлаш, оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларни иш билан таъминлаш борасида ибратли ишлар режалаштирилиб, уларни бажаришга бор имкониятлар сафарбар этилмоқда.

— Президентимиз Фармонига мувофиқ маҳаллаларда фаолият кўрсатаятган 39 нафар маслаҳатчининг 24 нафари олий маълумотли (2 нафари фан номзоди) ва 15 нафари ўрта махсус маълумотга эга, — дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Наргиза Гўлнатова. — Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг ўз йўналишлари бўйича Ёшлар йиллига мўлжалланган чора-тадбирлар режаси бўлиб, ана шу режа асосида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Маҳаллаларда оилани мустаҳкамлаш, ақримлар сабабларини ўрганиш, вояга етмаганларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш, аҳоли билан маънавий-маърифий тadbирлар, семинарлар уюштириш, диний экстремистик гоялар таъсирига тушган мактаб-китабхоналардаги ўқувчи қизларнинг жабл этган ҳолда турли спорт мусобақалари ўтказишга эришилмоқда.

ФХДЁ бўлими қошида «Ёш оила мактаби» ташкил этилган бўлиб, ёшлар соғлом оила қуришлари учун ниқоҳга тиббий қўриқнинг аҳамияти тушултириб боришмоқда. Шунингдек, хотин-қизларнинг иқтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат ва жамият қурилишида иштирокини таъминлаш мақсадида сиёсий партиялар, давлат ва жамоат таъкидлаш қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Ўзбекистон темирйўлчи» уюштирилган «Улкан қурилиш махсус сервис» МЧЖ меҳнат қилаётган Тошкент Ҳарбий академик лицейи, 13-кўприк қурилиши отряди бунёдкорлари меҳнатининг самарасини акс эттираётган темирйўл кўприги, «Кўйлик-1» ва «Кўйлик-4» даҳаларида «Махсустрансқурилиш» хўжалик шўба корхонаси бош пудратчиси саналган ёш оилалар учун 80 хонадонга мўлжалланган 3 та кўп қаватли уй ана шулар жумласидан бўлиб, шунингдек, айна кўнларда қурилиши қизгин паллага кирган Тошкент Темирйўл касб-хунар коллежининг янги кўркам биносини ҳам таъкидлаш керак.

Бунёдкорлик

ҚУВОНЧЛАРИ ЧЕКСИЗ БЎЛАДИ

МИРОБОДА ҲАР ЙИЛГИДЕК ЖОРИЙ ЙИЛДА ҲАМ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ КЎЛАМИ КЕНГАЙГАН. ТУМАН ҲУСНИГА МОС, ЭЛ-ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ, ЁШЛАР КАМОЛИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАР ҚУРИЛИШИ ҚИЗГИН ТУС ОЛГАН БЎЛИБ, БУНЁДКОРЛАР МАЗКУР ИНШОТЛАРНИ ИСТИҚЛОЛ ШОДИЁНАСИ АРАФАСИДА ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИШНИ НИЯТ ҚИЛГАН ҲОЛДА ТЕР ТЎКИШМОҚДА.

«Темурмалик» масъулияти чекланган жамияти томонидан қурилаётган Темирйўл академик лицейи, «Улкан қурилиш махсус сервис» МЧЖ меҳнат қилаётган Тошкент Ҳарбий академик лицейи, 13-кўприк қурилиши отряди бунёдкорлари меҳнатининг самарасини акс эттираётган темирйўл кўприги, «Кўйлик-1» ва «Кўйлик-4» даҳаларида «Махсустрансқурилиш» хўжалик шўба корхонаси бош пудратчиси саналган ёш оилалар учун 80 хонадонга мўлжалланган 3 та кўп қаватли уй ана шулар жумласидан бўлиб, шунингдек, айна кўнларда қурилиши қизгин паллага кирган Тошкент Темирйўл касб-хунар коллежининг янги кўркам биносини ҳам таъкидлаш керак.

Мазкур ўқув маскани 4 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, уни «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси буортмаси асосида бош пудратчи — «Ўзтемирйўлқурилишмонтаж» унитар корхонасининг Фуқаро ва саноат қурилиш монтаж поезди бунёдкорлари қуришмоқда. Уларга бунёдкорликда яхши тажриба тўплаган бир нечта ёрдамчи пудратчи ташкилотлар кўмак бермоқда.

Қурилиш майдониде ишлар режа асосида ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда 900 нафарга яқин бунёдкор коллеж биносини янги ўқув йилга тахт қилиш мақсадида ғайрат-шижоат кўрсатишмоқда. Объектдаги қурилиш-монтаж ишлари икки босқичга мўлжалланган бўлиб, ҳозир иккала босқич режаларини бажариш учун иш 3 сменада олиб боришмоқда.

Қўлиқўлига тегмай меҳнат қилаётган бунёдкорлар қурилиш-тиклаш, пардозлаш, ободонлаштириш сингари юмушларни тезкорлик билан сифатли удалашмоқда.

— Биз қураётган замонавий касб-хунар масканида 1200 нафар ўғил-қизнинг билим олиб, касб-хунар эгаллаши кўзда тутилган

Истиқлол — бизнинг борлигимиз, шону шухратимиз, эркин ва фаровон келажакимиз гаровидир

ЎЗБЕКИСТОН-КУВАЙТ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Давоми.Боши 1-бетда).

Ислом Каримов ва шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ ўзаро мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон-Кувайт муносабатларида савдо-иқтисодий ва сарможий ҳамкорлик муҳим ўрин тутади. Ушбу йўналишда Кувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси билан алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. Мазкур ташкилот дастлаб 1997 йилда Нукус ва Урганч шаҳарларини сув билан таъминлаш лойиҳаси учун 19,8 миллион АҚШ доллари миқдорига кредит ажратган эди. 2004 йилдаги ал-Кувайт самити асосида Ўзбекистон ҳукумати билан Кувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди. Бу ҳужжат мамлакатимиздаги сув ва энергия таъминоти, ирригация, қурилиш соҳаларига оид 9та лойиҳани молиялаштириш учун 215 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратилиши назарда тутади. Меморандум доирасида 2005 йили «Тўқимачи-Ангрэн темир йўл қисмини электрлаштириш» (20 миллион), 2006 йили «171 туман шошилич тиббий ёрдам марказини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш» (20,75 миллион) лойиҳаларни учун маблағ ажратилди. Ушбу жамғарма билан Араб мувофиқлаштириш гуруҳи доирасида ҳам фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Унинг ўтган йили Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистондаги таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ва сув хўжалиги, энергетика, кимё саноати, коммунал хизмат, қурилиш ва металлургия соҳаларига доир жами 26 лойиҳа қўриб чиқилди.

Икки давлат савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги протокол имзоланган. Бу ҳужжат ишбилармон доиралар ўртасида алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, икки мамлакатнинг экспорт, сармоя ва сайёҳлик соҳасидаги салоҳиятига доир семинар, кўргазма ва тақдиримат маросимлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Бундай муваффақиятли ҳамкорликка яна қўлаб мисоллар келтириш мумкин. Лекин музокарада таъкидланганидек, ҳозирги кўрсаткичлар томонларни қониқтирмайди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми нисбатан паст бўлиб, асосан Ўзбекистоннинг экспортдан биргалликда қўриб чиқиш, савдо-сотикни ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим. Қўшма корхоналарни қўлайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда ўтказилаётган аънавий пахта, тўқимачилик, сайёҳлик ярмаркаларида, бошқа иқтисодий форумларда, юртимизда кенг давом этаётган хусусийлаштириш жараёнида Кувайт вакилларининг кўпроқ ва фаолроқ қатнашишини таъминлаш икки томон учун ҳам фойдали бўлади.

Музокарада гуманитар ҳамкорликка алоҳида эштибор қаратилди. 1996 йили Тошкентда Кувайт халқаро хайрия ташкилоти — Осмё мусулмонлари кўмитасининг бўлими очилган. Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний каби буюк аждодларимизнинг юбилейларига бағишланган тантаналарда Кувайтдан нуфузли делегациялар иштирок этган. Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан Кувайтнинг вақф ва ислом ишлари вазириги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган.

2007 йили Тошкент ва Самарқандда ўтказилган «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзусидаги халқаро анжуманда, ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан бўлиб ўтган бошқа қатор тadbирларда Кувайтдан олимлар, мутахассислар фаол иштирок этдилар.

Бундан ташқари, Кувайт санъаткорлари Самарқандда ҳар икки йилда ўтказилаётган «Шарқ тюроналари» халқаро мусика фестивалининг доримий қатнашчиларидир. 2007 йили бўлган фестивалда Гран-при — олий мукофотга Кувайт вакиллари сазовор бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Музокарада илм-фан, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, спорт каби соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш масалалари ҳам қўриб чиқилди.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси ва Кувайт Давлатининг қўшма баёноти қабул қилинди.

Шунингдек, икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида ҳамкорлик бўйича қўшма кўмита тузиш тўғрисида, соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида, туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар, нефть ва газ соҳасида тўғрисида тўғрисида, атроф-муҳит ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида англо-араб меморандумлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Кувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида англо-араб меморандуми, мамлакатимиз ҳукумати билан мазкур жамғарма ўртасида Республика иxtисослаштирилган хирургия марказининг кардиохирургия бўлимини таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича кредит шартномаси (12,97 миллион АҚШ доллари), Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазириги билан Кувайтнинг «Mohammed Abdulmohsin Al-Kharafi & Sons» компанияси ўртасида меҳмонхона қуриш ҳақида меморандум, мазкур вазириги билан Кувайт инвестиция агентлиги ўртасида англо-араб меморандуми имзоланди.

Таъкидлаш жоизки, Ислом Каримовнинг 2004 йилдаги Кувайтга расмий таърифи чоғида ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асоси яратилган бўлса, бу галги Тошкент саммитида ана шу пойдевор янада мустаҳкамланиб, икки томонлама ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қиладиган келишувларга эришилди. Демак, Ўзбекистон-Кувайт муносабатлари ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўймоқда, дейиш учун барча асослар етарли.

(ЎЗА)

ҲАР ЖАБҲАДА ЎРНИ БОР

БУГУНГИ КУНДА МУСТАҚИЛ ДИЁРИМИЗДА ҲАР БИР ЖАБҲАДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ РОЛИ БЕКИЁС. ШУ БОИС ҲАМ УЛАР ҲАМИША ЭШТИБОРДА, ЭЪЗОДА. ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ҚАЙСИ СОҲАСИНИ ОЛИБ ҚАРАМАНГ, АЛБАТТА ЎЗ ИШИННИНГ ФИДОЙИЛАРИ БЎЛГАН АЁЛЛАРНИ УЧРАТАСИЗ, УЛАРНИНГ БИЛИМУ МАҲОРАТИГА ТАН БЕРАСИЗ. БУ, ШУБҲАСИЗ МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИДИДИР.

Албатта, она соғлом бўлса, бола ҳам соғ туғилади, яхши вояга етади. Шу боис ҳам туманда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантиришга эштибор қаратилган. Фертиль ёшдаги аёллар қўриқдан ўтказилмоқда ва соғлиқлари тикланмоқда. Ўсмир қизларнинг репродуктив соғлигини сақлаш, хавфсиз оналикка тайёрлаш борасида умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари билан акушер-гинекологлар учрашуви, мулоқотлар ташкил этилмоқда. Шунингдек, балогат ёшдаги ўсмир қизлар тиббий қўриқдан ўтказилиб, касаллик аниқланганларини соғломлаштиришга муваффақ бўлинди. Спорт саломаатлик гарови эканлигини ҳисобга олган ҳолда туманда оилавий спортни ривожлантиришга, маҳаллалардаги ўсмир қизларни жалб этган ҳолда турли спорт мусобақалари ўтказишга эришилмоқда.

ФХДЁ бўлими қошида «Ёш оила мактаби» ташкил этилган бўлиб, ёшлар соғлом оила қуришлари учун ниқоҳга тиббий қўриқнинг аҳамияти тушултириб боришмоқда. Шунингдек, хотин-қизларнинг иқтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат ва жамият қурилишида иштирокини таъминлаш мақсадида сиёсий партиялар, давлат ва жамоат таъкидлаш қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Ўзбекистон темирйўлчи» уюштирилган «Улкан қурилиш махсус сервис» МЧЖ меҳнат қилаётган Тошкент Ҳарбий академик лицейи, 13-кўприк қурилиши отряди бунёдкорлари меҳнатининг самарасини акс эттираётган темирйўл кўприги, «Кўйлик-1» ва «Кўйлик-4» даҳаларида «Махсустрансқурилиш» хўжалик шўба корхонаси бош пудратчиси саналган ёш оилалар учун 80 хонадонга мўлжалланган 3 та кўп қаватли уй ана шулар жумласидан бўлиб, шунингдек, айна кўнларда қурилиши қизгин паллага кирган Тошкент Темирйўл касб-хунар коллежининг янги кўркам биносини ҳам таъкидлаш керак.

Мазкур ўқув маскани 4 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, уни «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси буортмаси асосида бош пудратчи — «Ўзтемирйўлқурилишмонтаж» унитар корхонасининг Фуқаро ва саноат қурилиш монтаж поезди бунёдкорлари қуришмоқда. Уларга бунёдкорликда яхши тажриба тўплаган бир нечта ёрдамчи пудратчи ташкилотлар кўмак бермоқда.

Қурилиш майдониде ишлар режа асосида ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда 900 нафарга яқин бунёдкор коллеж биносини янги ўқув йилга тахт қилиш мақсадида ғайрат-шижоат кўрсатишмоқда. Объектдаги қурилиш-монтаж ишлари икки босқичга мўлжалланган бўлиб, ҳозир иккала босқич режаларини бажариш учун иш 3 сменада олиб боришмоқда.

Қўлиқўлига тегмай меҳнат қилаётган бунёдкорлар қурилиш-тиклаш, пардозлаш, ободонлаштириш сингари юмушларни тезкорлик билан сифатли удалашмоқда.

— Биз қураётган замонавий касб-хунар масканида 1200 нафар ўғил-қизнинг билим олиб, касб-хунар эгаллаши кўзда тутилган

Қурилиш майдониде ишлар режа асосида ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда 900 нафарга яқин бунёдкор коллеж биносини янги ўқув йилга тахт қилиш мақсадида ғайрат-шижоат кўрсатишмоқда. Объектдаги қурилиш-монтаж ишлари икки босқичга мўлжалланган бўлиб, ҳозир иккала босқич режаларини бажариш учун иш 3 сменада олиб боришмоқда.

Қурилиш майдониде ишлар режа асосида ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда 900 нафарга яқин бунёдкор коллеж биносини янги ўқув йилга тахт қилиш мақсадида ғайрат-шижоат кўрсатишмоқда. Объектдаги қурилиш-монтаж ишлари икки босқичга мўлжалланган бўлиб, ҳозир иккала босқич режаларини бажариш учун иш 3 сменада олиб боришмоқда.

Саҳифани Шарифа ИЛЁСОВА тайёрлади. Азамат Аҳмедов олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН — МЕКСИКА:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

— ЎЗБЕКИСТОНГА ИЛК БОР КЕЛИШИМ. ЮРТИНГИЗ МЕНДА ВА ОИЛА АЪЪОЛАРИМИЗ УНУТИЛМАС ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ, — ДЕЙДИ МЕКСИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ЭЛЧИСИ (ҚАРОРҲОҲИ ИСЛОМОБОДДА ЖОЙЛАШГАН) АРТУРО ХЕРНАНДЕЗ-БАСАВЕ ЮРТИМИЗГА ҚИЛГАН ТАШРИФИ ТААССУРОТЛАРИ БИЛАН ЎРТОҚЛАШАР ЭКАН.

Мексика — саноатлашган аграр мамлакат бўлиб, Латин Америкасининг энг ривожланган давлатларидан биридир. Худуди — салкам 2 миллион квадрат километр. Пойтахти — Мехико шаҳри. Мексика федератив республика бўлиб, 31 штат ва федерал округлардан иборат. 2007 йилда мамлакат янги ички маҳсулот ҳажми 1.346 трлн долларага тенг бўлди.

Мексика Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 26 декабрь кунини тан олган. 1992 йил 16 мартда икки мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Айни пайтда ҳар икки давлат сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорлиқни фаол ривожлантириб бормоқда.

Олти кунлик ташрифи доирасида А.Хернандез-Басаве Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, қатор вазирлик, идора ва муассасаларда учрашувлар ўтказди. Элчи, шунингдек, мамлакатимизнинг кўҳна шаҳарларидан бири Самарқандни зиёрат қилди.

Ташриф нийоҳида А.Хернандез-Басаве «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан суҳбатда бўлди.

— Мексика Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг муҳим давлатлардан бири деб ҳисоблайди, — деди дипломат. — Утган 17 йил мобайнида юртингизда ҳукмронлик қилаётган сиёсий барқарорлик салмоқли иқтисодий натижаларни қўлга киритишга ҳамда ижтимоий ва суд-ҳуқук соҳаларида кенг қўламли ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш имконини берди.

А.Хернандез-Басавенинг таъкидлашича, Мексика Ўзбекистон билан расмий ва ишбилармон доиралар вакиллари делегациялари алмашинувини йўлга қўйиб, биргаликда турли бизнес-форумлар ташкил этиш ҳамда Ўзбекистонда ўтказиладиган турли кўрғазма ва ярмаркаларда иштирок этишни режалаштирпти.

— Ҳозирги пайтда мамлакатларимиз кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган янги режаларни ишлаб чиқмоқда, — дейди элчи. — Техноло- гик тараққиётнинг ҳозирги даражасини ҳисобга олсак, давлатлар ўртасидаги ҳам- корликнинг ривожига масофанинг узок- яқинлиги катта аҳамият касб этмаётганини кўрамиз. Ўзбекистон улкан иқтисодий салоҳиятга эга мамлакат бўлиб, хорижий

сармояларни жалб қилиш учун барча шароитларни яратган. Мазкур омил мексикалик ишбилармонлар диққатини ўзига жалб этмасдан қолмайди, албатта.

Юртингиздаги ташрифим чоғида ўзбекистонлик ҳамкорлар билан самарали музокаралар ўтказди. Жумладан, Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигидаги учрашувда давлатларимиз ўртасидаги савдо имкониятларини ўрганиш мақсадида мутахассислар алмашиш билан боғлиқ лойиҳани амалга оширишга келишиб олдик. Маданият ва спорт ишлари вазирлигидаги учрашув чоғида эса Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивалида мексикалик санъат усталарининг иштироки юзасидан тақлиф олдик. Мен эса ўзбекистонлик санъаткорларни Латин Америкасидаги жуда машҳур бўлган «Сервантино» фестивалига тақлиф қилдим.

А.Хернандез-Басаве Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бўлиб ўтган учрашувлар хусусида алоҳида тўхталди.

— Ўзбекистонда таълим ва миллий кадрлар тайёрлаш соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар менда катта таассурот қолдирди, — дейди элчи. — Мазкур таассуротлар таълим соҳасидаги давлатларда, жумладан Мексикада ҳам қўллаш мумкин. Юқори малакали кадрларни тайёрлаш ишига давлат томонидан катта эътибор қаратилаётгани таҳсинга сазовор.

Самарқандга қилган сафар хусусида гапириб, дипломат, жумладан шундай деди: «Самарқанд — кўп асрлик тарихга эга бўлган гўзал ва қадимий маскандир. Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган бу кўҳна шаҳарнинг таровати ва улғурлиги мени ва оила аъъоларимни ҳайратга солди. Шу ўринда юртингиз пойтахти — Тошкент ҳам жуда ёқди. У жуда гўзал ва обод, аҳолиси эса нийоятда меҳмондўст экан. Мен хизмат юзасидан кўп юртларда бўлман. Аммо сизнинг шаҳарларингиздаги озодалик, ўзгача бир хотиржамлик муҳити, инсонларнинг меҳмондўстлигию самимийлиги одамни ўзгача ром қилар экан. Айнан мана шу жиҳатлар ҳам, ўйлашимча, халқларимизни бир-бирига яқинлаштириб туради».

Зафар АБДУГАФФОРОВ, «Жаҳон» АА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН ЁШ АВЛОД ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ, КАМОЛоти йўлида КЎРСАТИЛАЁТГАН УЛКАН ЭЪТИБОР ВА ГАМҲЎРЛИК ЎЗ САМАРАЛАРИНИ БЕРМОҚДА. НАВҚИРОН АВЛОД ВАКИЛЛАРИ ОРАСИДА ТУРЛИ СОҲАЛАР ҚАТОРИ СПОРТДА ҲАМ КАТТА МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАЁТГАН, ХАЛҚАРО МУСОБАҚАЛАРДА ЮРТИМИЗ ШАРАФИНИ МУНОСИБ ҲИМОЯ ҚИЛАЁТГАН ИСТЕЪДОД СОҲИБЛАРИ Кўп. БАДИИЙ ГИМНАСТИКАЧИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ЎҚУВЧИСИ КОМИЛА ТЎХТАЕВА ҲАМ АНА ШУНДАЙ ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРДАН.

2008 — Ёшлар йили

«ЮРТИМИЗ ДОВРУҒИН ОЛАМГА ЁЙСАМ...»

Олти ёшидан буён бадий гимнастика билан шуғулланиб келаётган бу қизга устози Анелла Малкина юксак орзуларга етишиш учун кўп меҳнат қилиши, мақсад сари дадил интилиши лозимлигини кўп таъкидлайди. Муттасил машғулотлар ўз самараларини бера бошлади. У Россия, Украина, Исроил, Туркия ва Қозоғистонда бўлиб ўтган халқаро турнирларда совринли ўринларни эгаллади.

Жорий йилнинг май ойида Нукус шаҳрида ўтказилган академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг «Барқамол авлод-2008» спорт ўйинлари ҳам бир умр хотирасида қолади. Пойтахт терма жамоаси шарафини Ҳимоя қилган

Комила беллашуларда тўртта олтин ва битта кумир медаль билан тақдирланди.

Мамлакатимизда Ёшлар йили деб эълон қилинган 2008 йил Комила учун омадли келди. У ўз тенгқурлари ўртасида ўтказилган мамлакат биринчилигида голиб чиқди. Катталар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида обрўчда бажарилган машқларда ҳам олтин медални қўлга киритди, умумий натижалар бўйича эса унинг ўринини эгаллаб, спорт устаси меъерини бажарди.

К.Тўхтаева лицейда иқтисодиёт йўналиши бўйича тахсил олмоқда. Инглиз тили, математика, физика, тарих ва кимё каби фанларга

Зохир ТОШХЎЖАЕВ, Уза муҳбири

Санъат

«АСРЛАР САДОСИ» КАТАЛОГИ

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЎТКАЗИЛГАН «АСРЛАР САДОСИ» ФОЛЬКЛОР-ФЕСТИВАЛИ ХАЛҚИМИЗНИНГ МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАРИ, ОҒЗАКИ ИЖОД НАМУНАЛАРИ, ҚАДИМИЙ УРФОДАТИНИ НАМОЙИШ ҚИЛГАН ЙИРКИ МАДАНИЙ ТАДБИРГА АЙЛАНГАН ЭДИ.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси саъй-ҳаракати билан уюштирилган бу фестивални анъанага айлантириш мақсадида уни «Асрлар садоси» фотосанъати кўрғазмаси орқали оммалаштиришга киришилди.

Ушбу лойиҳа доирасида энг яхши фотосуратлар коллекцияси юзага келди. Кўча экспозициялар ташкил этиладди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси «Асрлар садоси» деган номда каталог нашрини босмага тайёрлайди.

Ақбар АЛИЕВ

ТОЗАЛИК ПОСБОНИ

Шаҳримиз кун сайин обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Кенг ва раво йўллар, маҳobatли кўприклар, осмонўпар бинолар, сўлим гўшаларга янда файз киритиб турган фавворалар, яшилликка бурканган майдонлар нафақат ҳамшаҳарларимиз, балки чет элликларни ҳам ҳайратга солаётгани оқидий бир ҳолга айланган бўлмоқда. Бирок бу гўзалликка чипта ямоқ бўлиб турадиган баъзи ҳолатлар ҳам учраб турадики, ундан кўз юмиб бўлмайди. Айниқса, бунга кўп қаватли уйлар, даҳалар орасида онда-сонда бўлсада учраб турадиган ноҳус ҳолатларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Озодалик ҳақида гап борганда кўшн маҳалламиздаги ибратли бир воқеани эслайтиш жоиз деб ўйлашимиз. Бизга ёнма-ён жойлашган маҳаллада Қодир ота исми нуроний бир қария яшар эди. У ҳамиша бетартиб ёшларни ахлоқ-одобга қақирар, маҳалланинг ободончилиги йўлида кўч-ғайратни аямайдиган, насихатгўй, фидойи инсон эди. У кўпича Узи истиқомат қилаётган кўп қаватли уй олдидаги сўрни ораста сақлар, ўша жойга сув

радиган сўри теварагида каттагина ахлатхона пайдо бўлибди. Ахлатхона тобора катталашаётганидан ташвишга тушаётган кўшн-қўшнилар энди «Қодир отанин бори яхши экан» деб юришган эмиш. «Қариси бор уйнинг париси бор» деб шунга айтсалар керак-да.

НОН — ДАСТУРХОН КЎРКИ

Отанинги бир насихати сира ёдимдан чиқмайди. Ушунда у: — Нон азиз неъмат. Унинг қадрига етинг, болаларим. Нафақат новвойнинг, балки неча-неча деҳқоннинг оғир меҳнати, пешона териси эвазига бунёдга келган бу табаррук маҳсулот. Уни увол қилиш, хор қилиш ноқўрлик ҳисобланади, — дея, ноннинг ушоғини ҳам ерга тўкмасликни қўлоғимизга қуярди. Эсимда. Уйимизнинг орқа томони кенг сайхонлик эди. Шу ерга ҳар йили эрта баҳорда ҳўжалик деҳқонлари дон сочишарди. Дон унинг чиққандон то ҳосилга кириб йиғиб-териб олингунча, керагича парва-

ланарди. Тавба, дейсан беихтиёр. Олий зот инсон оддий бир ҳашарот қўмоличалик нонинг қадрига етмаётганидан, уволдан қўрқмаётганидан ҳайратга тушасан. Минг шўқлар бўйсинки, юртимизда нон сероб. Лекин мўл-кўл экан деб унинг қадрига етмасак, уни беҳуда исроф бўлишидан қўрқмай, тежаб-тергамасак бориб турган ношўқурчиликка, нон исрофгарчилигига йўл қўйган бўламиз.

Ноннинг исрофгарчилиги, увол ҳақида гап борганда беихтиёр бир ривоят эсга тушади.

Чорасиз қолган гадо очлик азобида кўкча қараб нола қилибди. — Эй борлиқни яратган Қодир эгам, ўзинг менга хаёт бердинг, жон бақариб инсон қилиб яратдинг, нечун риқ-рўзимни бутун қилмадинг? Шунда кўнган: — Эй ношўқур бандам, барча қатори сенинг ҳам насибганин бут қилдим. Дастурхонингга кут-барақа бердим. Лекин сен унинг қадрига етмадинг, уволдан қўрқмадинг. Дастурхонни беэзаб турган табаррук неъмат нонни хор қилдинг. Бисёр экан деб сувга оқиздинг, ахлатга улқитқилдинг. Нон-

ГАП ЭҒАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

сепиб, супуриб-сидириб, сўрида ўзи каби қариялар билан гурунглашиб ўтирарди. Эшик олдини озода сақламайдиган, ноқоиз жойга ахлат ташлайдиган кўни-қўшнлар унинг дашномидан безор бўлиб чолга кесатиқ билан «Тозалик посбони» деб ном беришганди.

Чиндан ҳам Қодир ота шаҳар туриб сўрига чиқар, йўлаклардан ўтаётиб эшик олди супуриб-сидирилмаган кўни-қўшнларнинг эшигини атайлаб тақиллатар, бу эса отанинги «Хой инсон, нафлат босиб ётма, тур ўрингдан, йўлагингни ораста қилиб қўй» деган ишораси эди. Шундан кейин ундан уялган кўни-қўшнлар эшик олдида гимирлаб қолишар эди.

Бир кунимиз шовчилганидан уй яқинидаги майдонга бир челақ ахлат тўкиб турганида Қодир ота уни кўриб қолиб чундон дашном берибдики, бечора изза бўлганидан ўша дамнинг ўзидеки тўкилган ахлатни яна қайта йиғиштириб олибди.

Оташонинг бу одатини хуш кўрмайдиганлар унга ботиниб: «Ешингиз бир жойга бориб қолган бўлса, ўзгалар билан нима ишингиз бор, тинч юрвермайсизми, ахир биров ахлат тўкса, уни тозалайдиган махсус гуруҳлар бор» дейишса, отанин: «Уша одамлар ҳам сизу бейғаша ўлган инсонлар, уларга ортиқча юмиш ортириб нима қилармиз, эшитмаганмисиз, кўпчилик биттадан берса тўйдиради, бир муштдан берса ўлдирди деганларини. Бугун сиз, эртанга мен, индинга яна бир бошқа киши керакдиз жойга ахлат тўкса уйимиз атрофи чивинхонага айланиб кетадику, болам!» деб уларга жа-воб қайтарар эди.

Яқинда шу отаниннинг умр кунини битиб вафот этди. Орадан бир ойлар чамаси ўтиб, биз ўша кўп қаватли уй атрофидан ўтдик, қай кўз билан кўрайликки, Қодир ота ўти-

риш қилинарди. Бўлиқ бошқоқлар авжи етилган палла ўроқчилар ўрим ишларини жадал бошлаб юборишар, фарам-фарам бошқоқлар шу ернинг ўзидеки янчилиб, уллардан чиққан сара донлар пешма-пеш омборхоналарга жўнатилаверди.

Ўрим-йғим ишлари тугаб ҳосилдан бўшлаган далалар ҳувиллаб қолганда биз шу яқин атрофда яшовчи болалар унда-мунда тўкилиб қолган бошқоқлар теримини бошлаб юборардик. Кечгача дала кезиб турава халтамизни бошқоққа тўлдириб, уйга қайтганимизда онамиз хурсанд бўлиб:

— Бу ҳам ризқи-рўз болаларим. Шунча донни бизга ким беради. Далада қолиб кетса увол. Бошқоқ териб ҳам савоё, ҳам давлат. Буларни янчиб, тозалаб олсак қиши билан тақдиримиз бўрсилдоқ нонларга тўлади, — дедилар елкамизга қоқиб.

Бошқоқ терими тугагандан сўнг, қўмолича йғимирлаб қолишарди. Улар ҳам қолган-қутган донларни битта қўймай инларига ташмалашарди. Йиллар ўтди. Катта бўлиб улғайдик. Қийинчиликлар ортда қолди. Дастурхонимиз нонга тўлди. Сара нонларни танлаб еганимиз бир сари, хатто уни увол қилишгача бориб етдик. Тўй-туркуларда, маъракаларда, катта-катта йиғинларда, қайта-қайта синдирилди, дастурхонда уваланиб ётган нонларни қўриб ҳайрон бўласан. Ёшан хонедон эгалари томонидан қолган-қутган, каттиқ-қуруқ нонларни уволдан қўрмай, молга бериш, хатто уларни ахлат қутисига ташланаётган ҳолатларни кузатганимизда ризқ-рўзини бутлаш учун дала кезиб, бир дондан дон топса, тезроқ манзилига етказишга ошқабатди, дастурхон атрофида изғиб, тўкилган нон ўшоқларини шошқин ташмалаб юрган қўмолича кўз ўнгинида гавда-

ни хор қилганинги азоби шу, — деган садо келибди.

Шу топда қаердандир гадонинг рўпарасида пайдо бўлган нуроний отахон унинг хол-ахволини сўраган бўлиб, ҳолатига ачинаиб «Тила тилагингни» дегандек бир сўзни айтибди.

Гадо гойибдан пайдо бўлган бу нуроний мўйсифидан ягона тилаги фақат нон эканлигини айтибди. Шундан кейин хориб-чарчаб кечкурун уйга қайтиб ўз кўзига ишонмай қолибди. Қай кўз билан кўрсинки, ёзилдик дастурхони тўла нон эмиш. У бир неча йил мана шундай мўл-кўлчиликка яшабди. Бора-бора ўтимишни унутибди. Текин томоққа ўрганиб, меҳнатдан бўйин товлабди, маъмурчиликнинг шўқронасини қўймай, исрофгарчиликка йўл қўйибди. Емишидан қолган нонларни мол-ҳолга берибди. Ортиқчасини ахлат қутига ташлабди.

Бир кунки кечки пайт уйига қайтса хонедони ўғри ургандек шип-шийдан, ҳар доим тўкин турадиган дастурхони бўм-бўш эмиш. Унинг устидеки эса икки энлик ёзилдик қоғоз турганимиш. Унда «Эй осий бандам, мен сенинг қилмишингни кечирдим, сени яна бир бор синаб кўриш учун қилган тавба-тазаруруларингни эътиборга олиб дастурхонингни нонга бут қилдим. Афсуски, бу синавдан ўза олмадинг. Энди аяб ўзингдан». Ёзувни ўқиб гадо турган ерида қотиб қолибди. Афсус надомат чекибди. Лекин энди бефойда эди. Қиссадан ҳисса шуки, бориға шўқур қилайлик азизлар. Жисмиимизга куч-қувват бағишлаб турган ноннинг қадрига етайлик. Уни тежаб-тергаб ушоғини ҳам кор қилмайлик. Нонни қанчалки эъзозласак, дастурхонимиз шунчалик бут, тўкин бўлади.

Иқтисодиёт

СИФАТЛИ ХОМ АШЕДАН

МАТБАА МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ, УЛАРИНГИ СИФАТИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ БУЎРТМАЧИЛАРНИ ЖАЛЕБ ЭТИШ БАРОБАРИДА ЎҚУВЧИ ВА КИТОБХОНЛАРНИ ҲАМ МАМНУН ЭТАДИ.

Пойтахтимизда бир неча йилдан буён фаолият кўрсатаётган «POLYPAPER» маъсулияти чекланган жамятията ҳам буюртмалардан келиб чиқиб бугунги бозор ва харидор талабларига мос матбаа маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилган. Буюртмаларнинг кўпайишида эса тадбиркорларнинг замонавий техника ҳамда илғор технологиялар асосида ишлаши, маҳсулот тайёрлашдаги тезкорлик, дизайнга алоҳида эътибор, бозорни астойдил ўрганиш кўл келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2003 йилда ташкил топган корхона цехлари лизинг асосида олинган Германиянинг «HEIDELBERG» компаниясининг юксак унум билан ишловчи замонавий матбаа линия ва ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, бу албатта, тайёрланаётган маҳсулот сифати ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми ортишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ишлаб чиқарилаётган китоб-журналлар, оқритка, буклет, тақвим, этикетка, тақлифнома, турли иш ҳужжатлари, офис қоғозлари талабга жавоб беради. Шунингдек, корхонада ўқувчиларнинг табеллари, турли хил дастурлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган.

Тадбиркорлар келгусида кўшни давлатлардан ҳам буюртмалар қабул қилиб, экспортни йўлга қўйишни ният қилишган. Улар айни пайтда россиялик ҳамкорлар билан алоқаларни мустақамлашмоқда. У ердан келтирилган сифатли хом ашёдан рақобатбардор товарлар тайёрлаб, ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, буюртмаларни талаблар даражасида бажариш кўзда тутилган.

МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ИЗЛАНМОҚДА

ҲАР БИР КОРХОНАДА КАДРЛАР ТАНАШЛАГА ҚАРАТИЛГАН ЭЪТИБОР, УЛАРИНГИ МАЛАКАСИ ЮҚОРИ БЎЛИШИ ИЗЛАНИШЛАРИДА САМАРА БЕРИБ, МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИНИ ОШИРИШДА, РАҚОБАТБАРДОШЛИгини ТАЪМИНЛАШДА КАТТА АҲАМИЯТГА ЭҒАДИР.

«Технолог» акциядорлик жамяти таркибига кирувчи «Технолог-техноласт» корхонасида ҳам қисқа вақт мобайнида маҳсулотнинг харидоригир турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилдики, бу албатта, малакали мутахассисларнинг зиммаларидаги вазифаларни кўнгилдагидақ адо этаётганидан, бозорни ўрганишга эътибор қаратилганидан, давр билан ҳамнафасликка астойдил интилаётганидан далоят беради. Маҳсулот лойиҳасини тайёрлашда ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда замонавий ускуналардан унумли фойдаланиб, ISO 9001-2000 халқаро стандарт талаблари асосидаги тизимни қўллашга аҳамият берилпти.

Корхонадаги ишлаб чиқариш цехлари махсус металл киркувчи дастгоҳлар билан жиҳозланган бўлиб, бу ишчи-хизматчилар меҳнатини энгилаштиришда, маҳсулот сифатини оширишда, кўрқини яхшилашда нийоятда кўл келмоқда.

Корхона цехларида ностандарт технолодик жиҳозлар, турли хил металл бутловчи қисмлар, саноатда кенг қўлланиладиган пластмасса маҳсулотлари тайёрланиб, улар сифати билан харидорларни мамнун этмоқда. Цехларда хориждан келтирилган дастгоҳлар учун ҳам бутловчи эҳтиёт қисмларнинг тайёрланиши саноат ишлаб чиқариш корхоналари учун ҳам қўлайлик туғдирмоқда. Бундай бутловчи қисмлар четдан келтириладиган шундай товардан асло қолишмайди ва нархи ҳам бирмунча арзондир.

Тадбиркор жамоа мутахассислари жорий йилда ҳам кўллаб янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга жорий этиш устида изланишлар олиб бормоқдалар.

Ахрор ОХУНОВ, хуқуқшунос.

«РЕКЛАМА ИНДУСТРИЯСИ» КЎРГАЗМАСИ

ТОШКЕНТА 19-21 НОЯБРЬ КУНЛАРИ РЕСПУБЛИКА САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲОМИЙЛИГИДА «РЕКЛАМА ИНДУСТРИЯСИ» ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ БЎЛИШ УТАДИ.

Кўрғазма рекламада гоё, оригинал реклама технологияси кабиларни ривожлантириш ва бу борада мамлакатимизда янги замонавий бозорни йўлга қўйиш шунингдек, реклама ишлаб чиқарувчи ва реклама берувчилар ўртасида шартномаларни ривожлантириш учун қўлай шароит яратиш кабиларни ўз ичига олади.

Кўрғазма иштирокчилари реклама агентликлари, компаниялар, турли хил кўрқинидаги реклама ишлаб чиқарувчилар, реклама соҳасидаги муштақил экспертлар, жамоатчи ташкилотлар билан алоқалар, дизайн, реклама маҳсулотлари ва жиҳозлари ҳамда ташқи реклама соҳасидаги мутахассислар учун материаллар, типография маҳсулотлари, жиҳозлар, дизайн-студияларини намойиш этади.

Кўрғазмада «Оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидение», «Полиграфия ва дизайн хизмати», «Реклама ишлаб чиқариш учун материал ва ускуналар», «Интернет рекламаси, веб-дизайн», «Аудио ва видеореклама» каби бўлимларга бўлинган ҳолда ишлар намойиш этилади.

Кўрғазма доирасида давра суҳбати ва бизнес-форум ташкил этиш ҳам режалаштирилмоқда. Унда мутахассислар жаҳон реклама тизимидеги янги гўрада, рекламанинг ривожланиши истиқболги борасида маълум чора-тадбирларни муҳокама этиб, бу борада тажрибалар алмашинади.

Рахона ТОШПЎЛОВА, «Туркистон-пресс»

03-03 УРТАНИҚ ДОМО БУЛУР...

МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БУСТОНИ Мужрим ОБИД ХИКМАТЛАР

Биравни дийдаи бийносидин жудо айлаб, Тамоми умрин асокашга интизор қилур.

Биравга симу зар беҳисоб рўзи этар, Биравни бир пул учун йўл юзида зор қилур.

Ишқ ахлининг дўкониди йўқдур матои сабр, Ошиқ йўқ улки, қавлану феълан саботи бор.

Азалдин, эй биродарлар, жафокашга вафо бўлмас.

Кўлингдан берма то ўлгунча даврони муҳаббатни, Муяссар бўлса ҳар кўнгилга айши жовидон яхши.

Умр ёшдин ўтар, ҳавас дилдин.

Душманни ўзинга маҳрами жон қилма, Ўз жонингга мунча жабру нуқсон қилма. Эл машварати бирла ҳар иш топар салоҳ, Иш қилма ўз олдинга, пушаймон қилма.

Ҳар мажлис аро ўзи суҳанвар қилма, Ялғон сўзингни чинга баробар қилма. Дўстингдин агар биров шикоят қилса, Зинҳор анинг қавлини бовар қилма.

Ким айлади икром мукаррам бўлди, Яхши оти оламга мусаллам бўлди. Эл яхшиларига ёру ҳамдам бўлди, Ангуштнамом халқи олам бўлди.

Фаҳмига лойиқ амал қилгучи олим кўрмадим, Кўрдум, аммо таъбини бир сўзда солим кўрмадим.

ГУЛХАНИЙ

(“Зарбулмасал” да келтирилган мақол ва хикматлар)

Пўлат пичоқ қинсиз қолмас.

Бош эсон бўлса, дўппи топилур.

Бор мақтанса топилур, йўқ мақтанса чо-пилур.

Ёлғон масал турмас.

Уят — ўлимдан қаттиқ.

Эртон ёғочининг эгилгани — сингани, эр йигитнинг уялгани — ўлгани.

Карнай мисдин, балғим исдин.

Кўр тутганини кўймас ва кар эшитганини кўймас.

Битар ишнинг бошига — яхши келур қошига.

Бемор тузалгуси келса, табиб ўз оёғи бирла келур.

Оғиз бўлма, оёқ бўл.

Оёқ югуруги ошқа, оғиз югуруги бошқа.

Тенг-тенги бирла, тезак қопи бирла.



Кўргазма экспозициясида рас-сомнинг ижоди давомида яратил-ган кўплаб графика ҳажвий асар-лари ўрин олган. Қурбонбой Ото-евнинг ёшлик давридан санъатга бўлган интилиши уни П.Беньков номидаги Республика рассомчили-к билим юртига етаклади ва шу ерда билимини ошириб, график рассом бўлиб етишди. Ижодкор меҳнат фа-олиятини 1973 йилда билим юр-тини тугатгандан сўнг ҳажвчи рас-сом сифатида бошлаган. У 1973-75 йилларда «Хоразм ҳақиқати» га-зетасида рассом журналист, 1975-

Кўргазмалар

ҲАЖВИЙ АСАРЛАР ИЖОДКОРИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ МАРКАЗИЙ КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА РАССОМ ҚУРБОНБОЙ ОТОЕВНИНГ «КУЛИБ ЯШАЙЛИК» НОМЛИ ШАХСИЙ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ. КЎРГАЗМАНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА ТАНИҚЛИ РАССОМЛАР, САҢЪАТШУНОСЛАР СЎЗГА ЧИҚИБ ҚУРБОНБОЙ ОТОЕВНИНГ КЎП ЙИЛЛИК СЕРҚИРРА ВА САМАРАЛИ ИЖОДИ ҲАҚИДА ГАПИРИБ, УНИНГ БОШҚАЛАРИНИНГДА ФАРҚ ҚИЛУВЧИ ҲАЖВИЙ ЙЎНАЛИШДАГИ АСАРЛАРИ, БУ САҢЪАТ ТУРИ ҚИЙИН ВА МУРАККАБ ЭКАНЛИгини ТАЪКИДЛАБ ЎТДИЛАР ВА РАССОМГА КЕЛГУСИДА ИЖОДИЙ МУВАФФАҚИЯТЛАР ТИЛАДИЛАР.

1992 йилларда «Муштум» журна-лининг Хоразм вилоятидаги муҳ-бир рассоми бўлиб ишлади. 1993 йилдан ҳозирга қадар Хоразм ви-лоят «Муштум» ҳажвий ижодий уюшмаси раиси лавозимда фао-лият юритиб, самарали ижод қилиб келмоқда.

тиргандек ёрқин бўёқларда намо-ён эта олади. У истеъдодли му-саввир бўлибгина қолмай, балки ажойиб мураббийдир. Ёшларга ўз касбининг сир-асрорларини эри-нмай ўргатиб келмоқда. Республи-ка ва вилоят кўргазмаларида фаол иштирок этиб, муҳлислари эътибо-рини қозонмоқда.

Рассомнинг 1987 йилда Урганч Давлат университетидида вилоят ёшлар жағмараси билан ҳам-корликда «Гиевандлик — аср ва-боси», «Тақасалтанг» туркумида-ги асарлари кўргазмаси ташкил қилинган. Ёшлар ўртасида тарбиявий аҳамиятга эга бўлган асар-лари учун вилоят ёшлар таш-килоти мукофоти совриндори бўлди. 1988 йилдан Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси. Ижодкорнинг ҳажвий асарлари кўплаб газета ва жур-

налларда чоп этиб келинмоқда. Мазкур кўргазма экспозицияси-да рассомнинг 50 га яқин муал-лифлик асарлари ўрин олган.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар



Спорт янгиликлари

ЗЕЙТУЛЛАЕВ ЖАМОАСИНИ ЎЗГАРТИРДИ

ИТАЛИЯНИНГ «ЮВЕНТУС» ФУТБОЛ МАКТАБИДА МАҲОРАТИНИ ОШИРГАН ЯРИМ ҲИМОЯЧИ, ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОСИ ИЛЁС ЗЕЙТУЛЛАЕВ ЭНДИЛИКДА ИТАЛИЯНИНГ «С» СЕРИЯСИ ВАКИЛИ «ПЕСКАРА» КЛУБИДА ТЎП СУРАДИ.

Турли йилларда «Ювентус Фарм», «Режина», «Кротоние», «Женоа» ва «Виченца» клубларида уйнаган Илёс янги жамоасида ҳам ўзининг сермазмун, ажойиб ўйинлари билан муҳлислари кўнглини шод этади, деб умид қиламиз.

ГРЕЦИЯДАН КУМУШ МЕДАЛЬ БИЛАН

ГРЕЦИЯДА ЕНГИЛ АТЛЕТИКАНИНГ БАЛАНДИККА САКРАШ ТУРИ БЎЙИЧА, ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИР ҲАМЎРТИМИЗ СВЕТЛАНА РАДЗЕВИЛГА ОМАД КЕЛТИРДИ.

Енгил атлетиканинг баландликка сакраш тури бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Светлана Радзевил Грецияда ўтказилган мусобақа дастуридаги баландликка сакраш баҳсларида бир метру 91 сантиметр натижага эришиб кумуш медаль соҳибаси бўлди. Бу турнир ўз навбатида Пекин Олимпиадаси йўлланмасини кўлга киритган Светлана учун ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтади.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ УЧИНЧИ

ЖИЗЗАХ ОЛИМПИА ЗАҲИРАЛАРИ КОЛЛЕЖИДА ТАЭКВАНДО БЎЙИЧА

РЕСПУБЛИКА ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИ МУСОБАКАЛАРИ УЮШТИРИЛДИ.

Ушбу мусобақаларда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардан келган 200 нафардан зиёд спортчи голиблик учун кураш олиб борди.

Муросасиз ва қизиқарли мусобақалар якунида умумжамоа ҳисобида жиззахликлар биринчи ўринни эгаллашган бўлса, Навоий вилояти спортчиларига иккинчи ўрин насиб этди. Тошкент шаҳри жамоаси аъзолари учинчи ўрин билан кифояланишди.

ЁШ СПОРТЧИЛАРИМИЗ — ГОЛИБЛАР ҚАТОРИДА

РОССИЯДА ТЎРТИНЧИ МАРТА УЮШТИРИЛГАН «ОСИЁ БОЛАЛАРИ» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ МУСОБАКАЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТГА БОЛАЖОНЛАР ЎРТАСИДА ТОБОРА ҚИЗИҚИШ КУЧАЙИБ БОРАЁТГАНЛИгини ЯНА БИР БОР ИСБОТЛАДИ.

Гап шундаки, Осиё қитъасининг 20 дан ортиқ мамлакатлари ҳамда Россиядан келган умидли ёш спортчилар билан голиблик учун кураш олиб борган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари жами 5 та олтин, 3 та кумуш, 2 та бронза медалларини кўлга киритишди.

Айниқса, спортнинг бадиий гимнастика тури бўйича уюштирилган мусобақаларда Валерий Давидов икита олтин, битта кумуш медални кўлга киритганлиги бу ёш умидли спортчининг келажаги порлоқ эканлигини исботлайди.

Шунингдек, боксчиларимиз Бобур Атоев, Қобилжон Бобононов, дзюдочи Фаррух Зоидовларга ҳам олтин медаллар насиб этди.

Турнир якунида голиб ва совриндорларга совринлар, эсдалик совгалари топширилди. (Ўз муҳбиримиз)

«Тошкент оқшоми» саломатлик хизмати

Дориларни тўғри истеъмол қилинг

«Australian Prescriber» («Австралия шифокори») журналида ёзилишича, анальгин, аспирин ва парацетомол сингари оддий оғриқ қолдирувчи дорилар бош оғригини кунайтириши мумкин эмас. Шу тўғриси ёки бўлмаган гапми? Бундай ақстасирларни қандай четлаб ўтиш мумкин? Шифокор Олимжон Исҳоқов билан суҳбатимиз шу ҳақда.

Юқоридаги туркумга кирувчи дорилар ҳақиқатан ҳам бошни оғритиши мумкин. Лекин ҳаммада ҳам эмас. Агар сиз шу хилдаги дорилар билан оғриқли бўғимларингиз ёки белингизни даволасангиз — бош оғриғи сизга таҳдид солмайди. Бош оғриғи илгаридан безовта қилиб келаётган ва тез-тез кўзгаб турадиган оғриқлар — кўпроқ мигрень, камроқ даражада шифокорлар зўриқиб оғриқлари деб атайдиган оддий бош оғриғи фониди юзага келади.

Бундан ташқари, дорилар сабаби бўладиган бош оғригини анальгетикларни суистеъмол қилиш орқали орттириш мумкин. «Анальгетикларни ҳаддан ортиқ истеъмол қилишдан пайдо бўладиган бош оғриғи» — расмий қўйилмаган ташхис номи шундай бўлиб, бу ташхис бемор дориларни узоқ вақт давомида — яъни камида уч ой ва ҳар бир ой давомида камида 10-15 кун ичиб юрган ҳолларда қўйилади.

Доридан пайдо бўладиган бош оғриқлари эзувчи ёки сиқувчи бўлиши ва бутун бошни қамраб олиши мумкин. Оғриқлар жуда кучли бўлмаса-да, беморни тез-тез, ойига камида 15 кун безовта қилади. Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, бундай оғриқлар ҳолати бемор даволашиб юрган олдинги бош

оғриқларидан фарқланади.

Уч-тўрт хил дори воситалари мажмуидан иборат оғриқ қолдирувчи хабдориларни суистеъмол қилиш орқали ҳам янада осонроқ ва тез бош оғригини орттириш мумкин. Улар таркибиди анальгин, аспирин ёки парацетомолдан ташқари яна кофеин, наркотик кодеин (унинг асоси корадоридан келиб чиққан бўлади) ёки фенобарбитал уйку дориси бўлиши қайд этилган. Бундай дорилар тури жуда кўп бўлиб, уларнинг қарийб ҳаммаси рецептсиз сотилади.

Дори сабаби бўладиган бош оғриқлари мигренга қарши махсус дори-дармонлар — эрготаминли дори-дармонлар деб аталадиган нарамиг, иммигран, зомиг ва шу каби дориларни ичиб юрадиган беморларда янада кўпроқ учрайд.

30 дан 60 ёшгача бўлган ҳамда кўпийлик бош оғриғидан эзilib кетган аёлни кўз олдингизга келтиринг-а. Одатда, унинг ҳаёти стрессларга тўлиб-тошган бўлади ва айнан шуни сабаб қилиб кўрсатиб, у оғриқларни зўр бериб дори-дармон билан йўқотишга уриниб келади. Дори келтириб чиқарадиган бош оғриғига дучор бўлган кишининг типик портрети шундай.

Лекин шуни ҳам эътиборга олиш керакки, бундай бош оғриғи ҳар қандай ёшда ва эркак-аёллигидан қатъи назар, ҳар қандай кишида юз бериши мумкин. «Дори-дармонларни суистеъмол қилишдан орттириладиган бош оғриғи жуда оддий ҳолга айланган,— деб ёзади юқорида номи келтирилган журналда Ньюкаслдаги Жон Хартер номли госпиталь неврологи Дэвид Вильямс,— у, ҳеч бўлмаганда, аҳолининг 1 фоизиди учрайд.

оғриғи деб ном олган кўп холлар айнан шу сабаб билан боғлиқ».

Шифокорнинг таъкидлашича, мигренни даволаб ўтказилган бир йилдан бошлаб ҳар ўн бемордан бирида доридан пайдо бўладиган бош оғриғи юзага келади. Дори-дармонларни суистеъмол қилишдан пайдо бўладиган бош оғриғини даволаб тузатиб юбориш мумкин — бор-йўғи дорилардан воз кечиш керак, холос.

Бироқ, бош оғриғидан эзilib кетган одамларни бунга ишонтириш осон иш эмас. Бош оғриғига қарши ичаётган дориларнинг ўзи уларда шу оғриқни пайдо қилаётганига беморларнинг ишонилари қийин. Боз устига, дорилардан воз кечишининг шифо таъсири дарров билинмайди: бунинг учун камида икки ой муддат керак бўлади. Шунча вақт давомида бош оғриғига қарши курашиш, самарасиз бўлиб чиқиши мумкин бўлган қандайдир янги дориларни ичиб кўришга тўғри келади. Бундан ташқари дорилар бекор қилинган вақт мобайнида бемор шифокор назорати остида бўлиши шарт.

Шунга қарамай, Дэвид Вильямс ҳар кун икки кунда бир боши оғрийдиган ҳар бир мижозда дори-дармонлардан келиб чиқадиган бош оғригини гумон қилишни қатъиян тавсия этади. Бундай бош оғриқларидан халос бўлиш учун мутахассислар ҳатто тинимсиз бош оғриқларида ҳам дориларни «узиб-юлиб» қўлланиш — яъни тез-тез дори ичиш давларини узоқ давом этадиган «ёрқин танаффуслар» билан алмаштириб туришни тавсия этишади.

Демак, бошим оғрияпти деб, дори ичавериш кўп холларда доимий бош оғригини юзага келтириши мумкин ва бунинг эҳтиётини қилиш албатта зарур.

ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ — МДҲ ВА ОСИЁДА ЕТАКЧИ

ЮРТИМИЗДА ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН СПОРТНИ РИВОЖЛАШТИРИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ ЎЛАРОҚ, ЎЗБЕК ФУТБОЛИ ҲАМ ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЙ ЭТМОҚДА. ГЕРМАНИЯНИНГ ВИСБАДЕН ШАҲРИДА ЖОЙЛАШГАН ХАЛҚАРО ФУТБОЛ ТАРИХИ ВА СТАТИСТИКАСИ ФЕДЕРАЦИЯСИ (IFFHS) ТОМОНИДАН ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН РЕЙТИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ ҲАМ БУНИНГ ДАЛИЛИДИР.

Халқаро ташкилот дунё мамлакатлари миллий чемпионатларининг 2008 йилдаги дастлабки рейтинг жадрвалини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон олий лигаси жаҳондаги энг кучли чемпионатлар рўйхатида йигирма бешинчи қатордан чиқ олди. Осиё ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида эса биринчи ўриндадир.

Бундан ташқари, ўзбек футболни ривожланишининг янги босқичига кўтарилганини ҳамюртларимизнинг халқаро майдонларда эришаётган ютуқлари ҳам намойён этмоқда. Жумладан, Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2010 йили Жанубий Африка Республикаси меҳмонлик қилади-ган жаҳон чемпионатининг саралаш мусобақасида ишончли тўп сурмоқда. Мамлакатимиз ўсирилар ва ёшлар терма жамоалари қитъа биринчилигининг финалида иштирок этиш орқали ўз тенгурлари ўртасида бўладиган жаҳон чемпионатида йўллана олишни кўзламоқда.

Ўзбекистоннинг кўп қарра чемпиони — «Пахтакор» (Тошкент) футболчилари сўнгги икки йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионлари кубоги мусобақасида кетма-кет икки марта финалга чиқиб, биринчи ва иккинчи ўринларни кўлга киритди.

Пойтахтнинг яна бир вакили — «Қурувчи» бу йил Осиё чемпионлар лигасининг гуруҳ беллашувларидан муваффақиятли ўтди. У мазкур мусобақа голиблигига асосий даъвогарлардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерациясининг юзта мамлакат чемпионатларидан таркиб топган янги рейтинг жадрвалида Аргентина етакчилик қилмоқда. Шунингдек, кучли ўрқликдан Англия ва Бразилия чемпионатлари ҳам жой олган.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ, ЎЗА шарҳловчиси

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЕАЖ бошланғич баҳоси охиб бориш тартибидида бўлиб ўтадиган ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

1.2008 йил 26 август кунини соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига, Тошкент шаҳар Юнусobod тумани суд ижро-чилари бўлими томонидан, Ўзбекистон Республикаси МХХ автома-шиналарни саклаш жойида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

- 1.ЖИБ Тошкент вилояти судининг 18.12.2007 йилдаги 2-246-07-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «BA3-21063» русумли, д/р 11Z 6869 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 000 000 сўм. 2.ЖИБ Тошкент вилояти судининг 10.12.2007 йилдаги 2-256-07/08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Нексия» русумли, д/р 11V 5455 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 11 500 000 сўм. 3.ЖИБ Тошкент вилояти судининг 01.02.2008 йилдаги 2-45-2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Нексия Донс» русумли, д/р 10D0220 бўлган, 2003 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 9 000 000 сўм. 4.ЖИБ Тошкент вилояти судининг 01.02.2008 йилдаги 2-45-2008-сонли ижро варақасига асо-сан хатланган, «Тойота-Прадо» русумли, д/р М6547 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 75 000 000 сўм. 5.Тошкент шаҳар Яқасарой тумани суд ижрочилари бўли-ми томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 25.12.2007 йилдаги 1-1184/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Daewoo Liganza» русумли, д/р 30С1973 бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 746 880 сўм.

II.Шунингдек 2008 йил 12 август кунини соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран, Тошкент шаҳар Юнус-обод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 09.07.2007 йилдаги УСҚ-1-356-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон Республикаси МХХ автомаши-наларни саклаш жойида сақланаётган, «GA3-33021212» русумли, д/р Х345V2M бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Жорий бошланғич баҳоси — 13.500.000 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита тўғри чиқиб танишиш мум-кин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза-ларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун олганда тўхтатилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатиди ижро ҳужжа-ти рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипоте-кабанк» С.Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт. МФО-00901, ИНН-200933850, х/р 20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т.М.Ураэбовов кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

Тошкент Радиотехника касб-хунар лицейи томо-нидан 1997 йил 1 июлда Нигматов Файзулла Фар-ҳодович номига берилган АҚ № 077776 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3189 нухсада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган. «Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси босмоқхонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй. 1 3456